# ЗАМОННИНГ ИЖТИМОИЙ БУЮРТМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мойил бўлмайди ва паст поғонада қолаверади.

Бир ёки икки йил муқаддам мен Лениннинг инқилобдан кейинги дастлабки даврда сўзлаган нутқларини, Ленин даврида, ўша йилларда ўтган партия съездларида айтилган ҳамма гапларни қунт билан ўқиб чиқишга киришган эдим.

Ҳамма стенограммаларни тўплаб олиб, ўқиб чиқдим. Ҳар жиҳатдан ибратли бўлди. Бу ҳозир, жамият жуда чуқур, қудратли сиёсийлашган шароитда ҳам ёрдам беради, ўша пайтда ҳам жамият мана шундай ҳолатда бўлган эди. Бугунги муаммонинг муҳокамаси муносабати билан шуни эслайман: съездда Ленин программанинг сиёсий қисми ва унинг бошқа бўлимлари хусусида доклад қилиши керак эди. Бухарин иккинчи маърузачи эди. Хуллас, аввал докладлар қилинди, сўнгра секцияларда шу масалалар юзасидан мунозаралар бўлди.

Мунозаралардан бири менинг эсимда қолди. Бухарин ва бошқалар биз тақсимловчи коммунизмдан ишлаб чиқарувчи коммунизм сари боришимиз керак, деган фикрни асослаб беришларига тўғри келди. Экспроприация қилинган ҳамма нарсалар тақсимланиб, бир ярим — икки йил ичида истеъмол қилиб бўлинган эди. Ана шунда ишлаб чиқаришимиз кераклиги маълум бўлиб қолди. Ҳозирги матбуотимизни ўқиб кўринглар, у меҳнат ҳақида деярли ҳеч нарса ёзмаяпти. Юксак меҳнат унумдорлиги ҳақида, истеъдод тўғрисида, уни рағбатлантириш ҳақида, ишчи, деҳқон, зиёли, олим, ёзувчининг меҳнатини, умуман унумли меҳнатни рағбатлантириш тўғрисида ҳеч нарса ёзмаяпти. Қаердадир ниманидир тортиб олиб, қайтадан тақсимлаш ҳақида кўпроқ ёзишаяпти. Умуман тақсимот соҳасида ҳақиқатан ҳам нотўғри ишлар кўп. Бу долзарб мавзу бўлиб, мен унинг аҳамиятини камайтирмоқчи эмасман. Бироқ, ҳар ҳолда, биз фан-техника тараққиёти орқали, уни олға силжитиш ва рағбатлантириш орқали, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиб, инсонни иқтисодиёт соҳасида фаол ҳаракат қилувчи шахс даражасига кўтариш орқали жамият тараққиётининг янги поғонасига чиқиб олиш, тузумимизнинг, унумли меҳнатнинг имкониятларини намоён қилиш ҳақида ўйлашимиз керак.

Текисчилик психологиясининг ҳалокатли эканлиги ҳақида неча марталаб гапирган эдим. Биз тақсимотда тартиб ўрнатиб, аввало жамиятимиз турмушининг барча соҳаларида ижодий меҳнатни рағбатлантириш ҳақида ўйлашимиз керак. Агар биз яқин вақт ичида бу соҳадаги вазиятни ўзгартирмасак, миллат сифатида ҳароб бўламиз, дард устига чипқон деганларидек, одамлар мамлакатимиздан кета бошлайдилар ва ҳозирнинг ўзидаёқ улар кетишаяпти.

Бизда истеъдодли меҳнатчини, айниқса у ижарачи бўлса, Рокфеллер деб атайдилар ва қисувга олишга уринадилар. Регионлардан бирида ҳатто ижарачининг фермасини ёндириб юборишибди. Чунки у яхши натижаларга эришган, катта даромад олган ва шу тариқа ҳаммани ноқулай аҳволга солиб қўйган экан. Бизнинг ижтимоий онгимиз қай ҳолатда эканини шу мисол кўрсатиб турибди.

Олий мактаб, бутун халқ таълими системаси мана шу ижтимоий онгни ўзгартиришда бизга ёрдам бериши керак. Ҳеч қандай агитаторлар бу ишни қилмайди. Уни халқ таълимимиз системаси, шу жумладан, олий мактабимиз қила олади. Замоннинг ижтимоий буюртмаси — мана шундай, деб ўйлайман. Акс ҳолда биз кўзлаб турган вазифамизни уддалай олмаймиз. Сиз, суҳбатдошларни яхши билганим учун, сизларнинг ҳайриҳоҳлигингиз ва мададингизга умид қиламан.

Ҳозир биз яшаб турган вазият ҳақида бир неча оғиз сўз айтмоқчиман. Ҳозир биз жамиятимизни қайта қуришнинг энг муҳим, қалтис палласида турганлигимиз бу ерда тўғри айтиб ўтилди. Биз иқтисодий ислоҳотни кескинлаштириш юзасидан туб чора-тадбирларни амалга оширишга жуда яқинлашиб қолдик, унинг энг устун соҳаларини белгилаб олдик. Яқин кунларда Президентлик Кенгашининг мажлиси бўлади, у бўлиб ўтган икки мажлисни, ҳукуматнинг иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотларни кучайтиришга қаратилган ҳаракат режасини чамалаш соҳасидаги ишларини якунлаши керак.

Биз федерациямиз, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ислоҳотларни бир кун ҳам кечиктира олмаймиз. Ҳозир бу иш билан чинакамига шуғулланиш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ақлий, ҳам амалий шарт-шароитлар мавжуд. Агар шундай қилинмаса, бу жараён стихияли равишда ривожлана бориб, мушкул ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса бутун қайта қуришга таъсир қилади ва мамлакатдаги сиёсий вазиятни чигаллаштиради. Шу сабабли Федерация Кенгашининг яқин вақт ичида бўладиган мажлиси федерациямизни ислоҳ қилиш ва уни янги мазмун билан тўлдириш жараёнини қандай қилиб, қай шаклда, қайси муддатларда, қандай одимлар билан олға силжитиш тўғрисида принципиал тарзда фикрлашиб олишга бағишланади.

Ниҳоят, сиёсий ислоҳотни оладиган бўлсак, барча поғоналардаги Советлар сайловини ниҳоясига етказиш орқали биз янги депутатлар туркумига эга бўлдик. Янги кишилар: тажрибали-тажрибасиз, тадбиркор-уқувсиз, нафсониятли ёки нафсониятсиз бўлса ҳам, ҳар ҳолда янги кишилар келишди, мана энди депутатларнинг янги туркуми ҳаётга қўшилмоқда, ижроия органларини тузмоқда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг умумий негизлари тўғрисидаги Қонун орқали Советларга янги ҳуқуқлар берилмоқда. Шу тариқа биз бу соҳада ҳам юқоридан қуйигача туб ўзгартишларни амалга ошираяпмиз, ҳокимиятни партия органларидан амалда Советлар қўлига топшираяпмиз. Бу эса бошқача шароитда шаклланган партиянинг ўзи учун ҳам жуда мураккаб жараёндир. Энди ҳокимият Советларга ўтаяпти. Советларда янги шароитда — демократия ва ошкоралик, иқтисодиётни ислоҳ қилиш шароитида ишлай оладиган кадрларни вояга етказиш керак.

Ниҳоят, партиянинг ўзини қайта қураяпмиз. Биз КПССнинг XXVIII съезди арафасида турибмиз. Мамлакатда авж олиб кетган мунозарадан бу соҳада қанчадан-қанча муаммолар йиғилиб қолганини ва съезд қайси саволларга жавоб қайтариши лозимлигини кўриб турибсизлар.

Ҳужжатларнинг лойиҳалари хусусидаги съездолди мунозарасидан ўтиб, коммунистларнинг фикр ва мулоҳазаларини таққослаб, муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамма мулоҳазаларни қабул этиб, шу тариқа биз партия билан жамиятни Марказий Комитетнинг янгиланган Ҳаракат дастури орқали программавий мақсадлар билан қуроллантирамиз, деб умид қилмоқчиман. Бу Ҳаракат дастури тубдан янгиланади, деб ўйлайман, Марказий Комитетда комиссия ва ишчи группалар тузилган, улар КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури хусусидаги таклифларни умумлаштириш билан шуғулланмоқдалар. Ўйлайманки, партия Устави ҳам бошқача бўлади. Бу Устав янги, ислоҳ қилинган партиянинг эҳтиёжларини акс эттирадиган ва аввало бошланғич ташкилотлардаги оддий коммунистларнинг ролини ошириш учун партиявий тушунчадаги ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб берадиган Устав бўлади.

Биз съездга мана шундай делегатлар туркумини сайлаш йўлини тутганлигимиз партия ташкилоти зиммасига, партия зиммасига тушадиган янги вазифаларни бажаришга қодир бўлган сайлаб қўйиладиган органларни тузиш имконини беради. Айни делегатлар таркиби, коммунистларнинг ўзлари бевосита шакллантираётган мана шу таркиб бунинг учун муҳим шароит яратади, деб ўйлайман. Биз съездда делегатларнинг мана шу туркуми фаол иштирокига таяниб, янги шароитда партия фаолиятига бошчилик қилиб, уни муваффақиятли йўналтириб турадиган Марказий Комитетни ҳам туза оламиз.

Гарчи партиянинг парчаланиши ҳақида ҳам, у ўз мавқеини бериб қўйиши тўғрисида ҳам, у, аслида, Ленин ишини давом эттира оладиган партия бўлмай қолиши тўғрисида ҳам гап-сўзлар бораётган бўлсада, мен ҳеч қандай фавқулодда ҳодисани кутаётганим йўқ. Менинг назаримда, съездолди босқичидан ва мунозараларидан, съезднинг ўзидан ўтгач, партия таг-заминли қарорлар қабул қилиб ва ўзининг янги ролини — жамиятнинг сиёсий йўлбошчиси ролини ўзлаштириш йўлида муҳим қадам қўйиб, жамиятда амалга оширилаётган ўзгартишлар юксаклигига кўтарилади. Партия заифлашмаслигига, балки, аксинча, кучайишига менинг ишончим комил.

Биз съездда амалда сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги шароитида қандай ишлашимиз кераклиги тўғрисидаги масалани обдон муҳокама қилишимиз керак бўлади. Чунки тез орада кўп партиялилик шароитида ишлай бошлаймиз, ҳозирнинг ўзидаёқ сиёсий ҳаракатларни, сиёсий ташкилотларни тузиш жараёнлари бормоқда. КПСС мулоқот ва ҳамкорликка, қайта қуриш сиёсатини амалга оширишдан манфаатдор бўлган барча сиёсий ҳаракатлар билан иттифоқ тузишга тайёр бўлиши керак, деб ўйлайман. Шу маънода жамиятимизнинг бутун ақлий, демократик имкониятидан фойдаланиш лозим. Назаримда, биз КПССнинг сиёсий ҳукмронлигидан абадий воз кечганимизни ва демократия, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги шароитида ишлашга тайёр бўлишимиз кераклигини узил-кесил тушуниб олишимиз даркор.

Хуллас, биз ҳақиқатан ҳам ўзгартишларнинг жуда муҳим палласига яқинлашиб келдик. Биз шуларнинг ҳаммасини уддаласак, турмушнинг ўзи ва қайта қуриш жараёнлари талаб қилаётган тўғри ечимларни топсак, унда ташаббусни узоқ вақтгача қўлга оламиз ва боз устига, қайта қуришни қудратли равишда олға силжитамиз.

Мана ҳозир, шу ойларда ҳамма нарса ҳал бўлади. Бу жараён жўн ўтаяптими? Йўқ, кураш жараёнида ўтаяпти. Бунинг устига ҳозир эгалланаётган мавқелар жуда ойдинлашаётган босқич бошланди. Биз мана шу чора-тадбирлар орқали қайта қуришнинг бош йўналишидаги куч-ғайратларни ошираверамиз, тарафдорларимиз ва мададкорларимиз кўпаяверади, деб ўйлайман. Айни вақтда биз, эҳтимол, ҳамма нарсани ўз ҳолида қолдиравериш истагида бўлган мухолифлар билан ва қийинчиликларни рўкач қилиб, ўзларининг сиёсий нафсониятларини кўзлаб, қайта қуришни қамчиламоқчи, уни тойдириб юбориб, эҳтимолки, бизни йўлдан оздирмоқчи бўлганлар билан кескин кураш олиб бориш заруратига дуч келармиз.

У хавф ҳам, бу хавф ҳам мавжудлигини айтишим керак. Нақадар аламли бўлмасин, бу нарса Биринчи Май намойишининг якунловчи қисмида кўзга ташланди. Гарчи бу намойиш демократик шиорлар остида ўтказилиши режалаштирилган бўлса ҳам у ердаги баъзи кишилар жамият тўғрисидаги, қайта қуриш ҳақидаги ғамхўрликдан мутлақо олисда эдилар. Бу — шунчаки бошқача фикр эмас, балки сиёсий иғвогарлик эди. Рўй берган воқеани ўз номи билан атамоқ керак. У аввало Ленинга қарши, КПССга қарши, қайта қуришга қарши қаратилган эди. Унинг ташкилотчилари майдонга ярим миллион кишини чиқаришни мўлжаллаган эдилар, аммо атиги 17—20 минг киши чиқди, улар орасида ҳам рўй берган воқеадан кўп киши кейинчалик ўзини четга олди. Буларнинг ҳаммаси демократиядан олисдаги нарса бўлиб, халқ олдида диёнатли ва масъулиятли кишилар бу реакцион ҳуруждан ўзларини четга олишлари керак, деб ўйлайман.

Биз бош йўналишдан чекинмаслик учун ҳамма ишни қилишимиз: демократик, сиёсий ёндашувлар орқали, жамиятни жипслаштириш, ўзгартириш орқали олға боришимиз ва бизни орқага судраётганларга қарши кескин ҳаракат қилишимиз керак. Жамиятимиз олдида турган муаммоларнинг жавобларини ўтмишдан топиб бўлмайди. Ўтмиш сабоқлари бор ва, албатта, олдинги авлодлар қилган яхши ишлар бор.

Қатъият билан олға бориб, социалистик йўл доирасидаги ўзгартишларни давом эттириб, жаҳон маърифати тажрибасини ҳисобга олиш йўли билан жавоб изламоқ керак. Ўйлайманки, биз мана шуларнинг ҳаммасини ўқиб олдик, бу хусусда гарчи мунозара бўлаётган бўлса ҳам бу фикр бир шаклга кирди. Баъзи кишилар умумбашарий қадриятларни яна сиёсатга асос қилиб олиш — социализм мавқеини оз бўлмаса бой бериб қўйишдир, деб ҳисобламоқдалар. Бизни ижод қилиш имкониятидан маҳрум этиб қўйган ақидапарастлик, қироатхонлик ва эскича тафаккурдан мана шу фикр келиб чиқади. Турмуш жўшқин тус олган пайтларда, у ёки бу назарий қоидаларнинг заифлигини воқеалар мантиқининг ўзи кўрсатган ва уларни қайта қуришни талаб этган пайтларда классиклар ўз қарашларини тубдан ўзгартирар эдилар.

Тақдиримиз ҳал бўлаётган мана шу бурилиш даврида вазифаларни муваффақиятли ҳал этишимиз жуда муҳимдир. Чунки яна 10, 15, 20 ва 100 йилдан кейин қандай яшашимиз шу вазифаларни қандай ҳал қилишимизга боғлиқ бўлади. Жамиятнинг ақлий меҳнат билан шуғулланувчи қисми, зиёлиларимиз, олий мактабимиз шу даврда партиянинг тараққийпарвар кучлари билан бирга бўлиши биз учун жуда муҳимдир. Мана шу қийин босқичда ҳар жиҳатдан ҳам ақлий, ҳам амалий мадад беришлари керак. Ўз касбдошларингизга ва студент ёшларимизга шу фикрни етказишингизни истайман.

Мен студентлар билан учрашдим, улар билан батафсил гаплашдим. Улар билан мулоқотдан менда чуқур таассурот қолганини айтишим керак. Умуман ёшлар, йигит ва қизлар биз билан бирга. Ҳозир улар ўз ўрнини изламоқда, чунки улар келгусида ҳали кўп яшашлари кераклигини тушунадилар. Биз студентлар билан доимо алоқада бўлишимиз, доимий мулоқот қилиб туришимиз керак. Бу ерда бугунгидек учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш зарурлигини айтишди. Мен ҳам шундай, деб ҳисоблайман. Вақт нақадар тиғиз бўлмасин, шундай имкониятларни топиш, рўй-рост гаплашиш, бир-биримизнинг фикримизни тушунишимиз учун шубҳа-гумонларни яширмаслик ва олдимизда турган вазифаларни биргаликда ҳал қилиш керак.

Сиз билан биз биргаликдаги фикр-ўйлар билан уюштирган бу учрашув биргаликдаги янги фикр ва мулоҳазаларимиз учун илк нуқта бўлиб қолиши, натижада биз олий мактаб соҳасида жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи манфаатларига мос келадиган давлат сиёсатини ишлаб чиқишимиз керак. Агар биз таълимни қайта қурмасак, барча ислоҳотлар халқимизнинг ақлий саёзлигига бориб тақалаверишини тушунишимиз керак. Демак, бу — энг муҳим масала. Бу хусусда фикримиз бир жойдан чиқади деб умид қиламан. Келинглар, айни мана шу баҳамжиҳатликка асосланиб иш бошлайлик. Учрашув учун сизларга ташаккур.

(ТАСС).

# КУЧЛАРИМИЗНИ ЖИПСЛАШТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳам бу етарли даражада аниқ жавоб бўлди. КПССни демократиялаш зарурлиги кўриниб турибди, лекин уни ниҳоясиз мунозаралар олиб бориладиган ва долзарб муаммоларни амалий ҳал этиш учун ўрин бўлмайдиган қандайдир сиёсий клубга айлантиришнинг ҳожати бормикан?

Республика, қолаверса бутун мамлакат ҳам оғир даврни бошидан кечирмоқда. Юзага келган аҳволга, албатта, кўп жиҳатдан турғунлик йиллари айбдор. Лекин иқтисодий ва ижтимоий тангликнинг сабаблари фақат шундамикан? Олти йилдан бери қайта қуриш бўляпти, шу даврда қанчадан-қанча «ўз» хатоларимизга йўл қўймадик! Интизом, бошқарувнинг барча поғоналаридаги масъулият бўшашиб кетмоқда. Аввал бошданоқ аниқ ва равшан истиқбол ва мақсадларимиз бўлмади, биз маълум даражада бамисоли пайпаслаб ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби ўз нутқида республика учун ниҳоятда долзарб муаммоларни ўртага қўйди. Ҳозир бизда ижтимоий-сиёсий вазият шундайки, ҳатто халқ фаровонлиги тўғрисидаги шиорлар остига яшириниб, ҳужумга ўтишга уринаётган ҳаддидан ошган кучлар бош кўтармоқдалар. Партия ва ҳукуматнинг меҳнаткашлар турмушини яхшилаш борасидаги амалий ишларига улар ҳеч нарсани қарши қўя олмаяптилар, шунинг учун ҳам улар борган сари танқидбозликка кўпроқ берилиб кетишмоқда.

Бузғунчи кучлар ўз нафсониятларини қондириш йўлида ҳар қандай миш-миш ва уйдирмалардан фойдаланмоқдалар. Масалан, Ўзбекистондан армия сафларига йигитларни хизматга чақириш муносабати билан бугунги кунда қанчадан-қанча гаплар бўлмоқда. Республика Президенти, табиийки бу мавзуни ҳам тилга олди. У: **Ўзбекистонлик йигитлар эндиликда Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳудудида ҳарбий-қурилиш қисмларида хизмат қиладилар,** деб таъкидлади. Бу — республика ҳукумати эриша олган амалий тадбирларнинг биттасидир.

Ўзбекистон ҳозир кўп қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, экологияда — турмушимизнинг исталган соҳасида кўп нуқсонлар, камчиликлар бор. Буларнинг ҳеч қайсисидан кўз юмиб бўлмайди, лекин буларни фақат ўтмиш хатолари билан изоҳламаслик — Тошкент коммунистларининг ҳозирги вазифасидир.

Партия ташкилоти, шаҳар комитети аҳволни барқарорлаштириш юзасидан анча ишлар қилмоқда, дейилди конференцияда. Лекин ҳамма ишларни қиляптими? Афсуски, йўқ. Масалан, сайлаб қўйиладиган партия органлари шаҳар ва район комитетлари идораларидан устун бўлиши кераклиги анчадан бери маълум. Аслида эса бунинг акси бўлаётганлиги кўриниб турибди. Шаҳар комитетида бир неча доимий комиссия тузилган. Уларга котиблар бошчилик қилишади, комиссиялар таркибига маош олиб ишлайдиган бир неча партия ходими кирган, лекин унинг асосий қисмини шаҳар комитетининг аъзолари ташкил этиши зарур. Бироқ бу ердаги асосий ишни аппарат ходимлари бажармоқдалар. Тошкент шаҳар партия комитетининг ҳисоботида бир неча ташвишли рақам бор. Олти ой ичида партия сафларига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кам, атиги 163 нафар ишчи қабул қилинган. Шу олти ой мобайнида эса 309 нафар коммунист партия билетини қайтариб берган. Энг аввало ўз фароғатини кўзлаб партияга кирган манфаатпарастлар уларнинг бир қисмини ташкил этади, деб ўйлаган тақдирда ҳам, барибир, бу рақам каттагина рақамдир. Бундай вазиятда шаҳар комитетининг янги аъзолари ишчилар орасидаги таъсирни йўқотмаслик учун анча кўп куч-ғайрат сарфлашларига тўғри келади.

Яқинда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтди. Уларда коммунистлар район ва шаҳар партия комитетлари шаънига анчагина танқидий мулоҳазалар, таклифлар айтишди.

Конференция Тошкент шаҳар партия комитетининг ишини қониқарли деб топди.

Конференция қатнашчилари бевосита яширин овоз бериш йўли билан А. И. Фозилбековни шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, Ю. А. Асепковни иккинчи котиб, Ҳ. М. Абдураимовни котиб этиб сайладилар.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг раҳбар органлари сайланди. Унинг қатнашчилари юқори партия органлари таркибига номзодларни тавсия қилдилар, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига ва КПССнинг XXVIII Съездига делегатлар сайладилар.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

# Пойтахт Фрунзе райони коммунистлари билан учрашувлар

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Москвадаги «Большевик» кондитер фабрикасининг партия ташкилоти партия анжумани делегатлигига М. С. Горбачев номзодини кўрсатганлар жумласига киради. Қарийб 140 йилдан буён ишлаб келаётган бу корхонада (фабрикага 1855 йилда асос солинган) одамлар ҳузур қилиб ишлаяптиларми? Ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам муаммолар кўплиги суҳбатнинг бошидаёқ равшан бўлиб қолди. Масалан, иш ҳақи қўшни 2-соат заводига нисбатан ўрта ҳисобда 25 фоиз кам. Ходимлар муттасил етишмайди. Фойданинг 80 фоизи давлат бюджетига топширилади, пулнинг қолган қисми ҳисобидан эса корхонани техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этиш қийин.

М. С. Горбачевнинг ишчиларни мамлакат миқёсида нималар ташвишлантираяпти, деган саволига одат бўлиб қолган: ҳозир нарх навонинг ошиши ҳақидаги гаплар кўп, деб айтилди...

— Биздаги нарх-навони дунёдаги даражага яқинлаштириш зарур,— деди бу гапга жавобан Михаил Сергеевич, бозор меҳнат жамоасининг ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот учун тўла масъулият мезонидир. Аммо биз шундай бозорга ҳали эришмоғимиз керак, биз асосий озиқ-овқат маҳсулотларини назорат остида тутиб, шундай бозорни қадам-бақадам барпо этиб борамиз. Сизларнинг маҳсулотингизни олиб кўрайлик. Айтайлик, бу маҳсулотнинг бирон-бир қисми назорат остида бўлади, қолган қисми эса эркин бозорга чиқиб, нарх навони белгилайдиган бўлади.

Хўш, иш ҳақи нима бўлади, деган савол туғилади. Модомики нарх-наво ўзгарар экан, ишлаб турган кишиларни ҳам ҳимоя қилиш керак. Бу ишда биз жамият билан келишмай туриб иш тута олмаймиз.

Яна бир муаммо: зарар кўрувчи корхона беркитиб қўйилгандан кейин ишдан маҳрум бўладиган ишчининг ҳоли нима кечади? Давлат бу соҳада ҳам зарур воситани кўзда тутиши керак, шу воситада нафақа бериш, малакани ўзгартириш имкониятини яратиш кўзда тутиладиган бўлсин.

— Бундан чиқдики, ишсизлик бўлар эканда? — деб сўрайди суҳбатдош аёллардан бири.

— Структура ишсизлиги бўлади, бундай ишсизлик ҳозир ҳам бор, — деди жавоб қайтариб М. С. Горбачев. — Корхона ёпилгач, уни бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёрлаш керакку ахир — бу вақтинчалик ишсизлик бўлади. Бундан ташқари ҳозир пинҳона ишсизлик ҳам бор. Бизда икки-уч киши қилаётган ишни Ғарбда бир киши қилади. Францияда мен бориб кўрган машинасозлик заводларидан бирининг конструкторлик бюросида эллик киши ишлаяпти, биздаги кўлами мана шундай корхонада эса уч юз киши ишлаяпти.

Тушдан кейин «Известия»нинг мажлислар залида КПСС XXVIII съездига делегатликка М. С. Горбачев билан В. Н. Баранов номзодларини кўрсатган округдаги 20 тадан кўпроқ партия ташкилотининг вакиллари йиғилдилар.

Москвадаги иккинчи соат заводининг цех бошлиғи В. Н. Барановга биринчи бўлиб сўз берилди.

Инженер, 25 йиллик иш стажига эга бўлган коммунист ўзининг ҳаётий йўли ҳақида гапириб, мамлакатдаги ва партиядаги аҳвол учун астойдил ташвишланаётганлигим сабабли мен ўз номзодимни қўйишга мажбур бўлдим, деди.

Фикримча, деди у, партия, давлат ва ҳарбий ҳокимият чатишиб кетганлиги энг катта хавфдир. У буни жуда кескин иборалар билан айтди. Номзод мазкур иборани изоҳлаб, бундай деди: менинг фикримча, бизнинг жамиятимизда, башарти революция ўзини ҳимоя қила олмаса, у ҳеч нарсага арзимайди, деган ибора бамаънилик даражасига етказиб қўйилган. У башарти, революция ҳимоя қиладиган ҳеч нарса бўлмаса, бу революция ҳеч нарсага арзимайди, деган бошқа шиорни таклиф қилди.

Мамлакатнинг бутун ижтимоий турмушини, мактабдан тортиб то олий ўқув юртигача чуқур демократиялаш номзоднинг асосий дастури эканлигини унинг ўзи таъкидлаб ўтди. Соғлиқни сақлашни, маорифни такомиллаштириш, экологик муаммоларини ҳал қилиш ишнинг асосий йўналишлари бўлиши керак.

Сўнгра М. С. Горбачевга сўз берилади. У кўрсатилган юксак ишонч учун округ коммунистларига миннатдорчилик билдириб, КПСС XXVIII съезди КПСС, мамлакатимиз, ҳар бир совет кишиси турмушида жуда муҳим роль ўйнаши лозимлиги ҳақида гапирди.

Сизларнинг ҳузурингизда гапиришдан аввал, бу ерда ўз дастуримни қанчалик батафсил баён этсам экан, деб ўйладим, деди у. Менинг фикрларим ҳаммага равшан, ҳар қандай тазйиқ мени бошқа фикрга ўтишга мажбур қила олмайди. Бундан бошқа йўлнинг ўзи йўқ, мен коммунист сифатида шу йўлни танлаганман, менинг маънавий йўлим ҳам мана шу.

Замон талабига жавобларни бутун жамият иштирокида изламоқ керак, аммо албатта олға бориш зарур, деди сўнгра номзод. Бунинг устига биз тезроқ олға силжишимиз лозим, вазият шуни тақозо этмоқда.

М. С. Горбачев кўпгина муаммоларга батафсил тўхталди, шу муаммоларни ҳал этиш орқали жамиятимиз тараққиётни жадаллаштира олади, қайта қуришни чуқурлаштиради, деди. Бироқ буни таъминламоқ учун социалистик демократия ғоясини тўлиқроқ намоён этиш, ижтимоий адолат тантанасига эришмоқ учун ҳамма ишни қилиш керак.

Лениннинг социализмга қарашни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги машҳур фикри — ҳозирги фикр-мулоҳазаларимизга асос бўлади, деди сўнгра номзод. Биз жараёнларни башорат қилиб, қайта қуриш моҳияти ва сиёсатини ишлаб чиқиш орқали энг муҳим саволларга аниқ жавобларни турмушнинг ўзидан оламиз. Ҳозир биз тадбирларни белгилаб қўйишимиз эмас, балки айни жараённинг йўналишига, ижодий излашга эришмоғимиз зарур, деди М. С. Горбачев. Биз ишнинг ҳамма соҳаларида ана шундай моҳиятга ва сиёсатга эгамиз, бу иш жамиятимиз турмушини инқилобий янгилаш мақсадида олиб борилмоқда.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари кескин ва беҳаловат турмушимизнинг ҳамма соҳаларига тааллуқли кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарди. Хатлардан бирига амалий жавоб беришга тўғри келди — газета босмахонасининг ходимлари М. С. Горбачевни шу корхонага таклиф этдилар. Бу ерда иш узлуксизлиги сабабли йиғилишда қатнаша олмаган кишилар билан суҳбат давом эттирилди.

Суҳбатларда КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, Москвадаги Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари Г. И. Кутяков қатнашдилар.

Москванинг Фрунзе районидаги 4-сайлов округи коммунистларининг вакиллари билан учрашув тўғрисидаги ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

**(ТАСС).**

*Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан*

# УНИНГ ИСТАГИ

## *Депутатликка номзодлар*

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида партия ҳисобот-сайлов йиғилиши қизғин борарди. Навбат Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатликка номзод кўрсатишга келганида залда баҳс янада кучайди. Ҳар бир коммунист номзод кўрсатар, кўрсатилган номзодлар устида мунозаралар бўларди. Ниҳоят икки киши — Т. Маёқубов ва Т. Қаюмовалар номзодлари қолди. Лекин шу пайт корхона ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи Тўлқин Маёқубов сўзга чиқиб, билдирилган ишонч учун коммунистлардан миннатдор эканлигини изҳор этди. Сўнгра у уларга мурожаат қилиб, Т. Қаюмова фойдасига ўз номзодини қайтариб олмоқчи эканлигини, бу илтимоси қондирилишини сўради. Унинг илтимоси инобатга олинди. Шундай қилиб, Тожи Сатторовна Қаюмова Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатликка номзод қилиб кўрсатилди...

Тошкент давлат педагогика институтига кира олмаган Тожи отасининг маслаҳатига биноан Чирчиқдаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг биринчи цехига ишга кирди. Иш жараёнида у тажрибали ишчилар — Ревида Халилова, Галина Сейтарифова, мастерлар Владимир Сачков, Турғунбой Кенжабоевларга суянди. Билмаганини сўраб-суриштириб ўрганди. Устозлар ўгитига қулоқ тутди. Ўз устида мустақил ишлай бошлади.

Касбини пухта ўзлаштирган Т. Қаюмова бу билан чегараланиб қолмади. Малакасини янада ўстириш мақсадида у Чирчиқ индустриал техникумида ишдан ажралмаган ҳолда ўқиди.

Бугун Тожи Сатторовна Қаюмованинг мазкур корхонага ишга келганига қарийб 17 йил бўлди. Шу давр мобайнида у оддий прессловчиликдан бригадирлик вазифасигача ўсди.

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коммунистларининг республикамиз Компартияси XXII съездига айнан Т. Қаюмовани делегатликка номзод қилиб кўрсатишларининг боиси нимада? Нима сабабдан Тўлқин Маёқубов Тожи Қаюмова фойдасига ўз номзодини қайтариб олди. Ана шу савол билан биз завод партия ташкилоти секретари Тоир Зоҳидовга мурожаат қилдик.

— Тожи ишлаб чиқариш илғори бўлибгина қолмай, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади, — дея суҳбатни бошлади у. — Қаюмова цех партия ташкилоти котибидир. Кишилар билан тил топиша олиши, меҳрибонлиги, ҳақгўйлиги туфайли жамоа обрў-эътиборини қозонди. Виждон унинг бирдан бир маслаҳатчисидир. Шу туфайли бўлса керак, корхонамиз коммунистлари унга юксак ишонч билдиришди.

— Тожихонни анчадан бери танийман, — деб суҳбатни давом эттирди Т. Маёқубов. — Биз бир цехда узоқ муддат биргаликда меҳнат қилдик. Мен шу цехда мастер эдим. У ишга ижодий ёндашиши, керак бўлса раҳбарлар билан талашиб-тортишиши билан алоҳида ажралиб туради. Қай бир участка планлари бажарилиши хавф остида бўлса, Тожи шу заҳоти ёрдамга келади. Шу туфайли ҳам мен ўз номзодимни қайтариб олдим.

Тожи Қаюмовани биз корхона механика-йиғув цехида учратдик. У ўз бригадаси билан съездда кўтаражак масалалари ҳақида ўртоқлашаётган экан. Тожи Сатторовнадан жумҳурият партия съездига делегатликка номзоди кўрсатилганлиги у учун кутилмаган воқеа бўлдими деб сўрадик.

— Ҳа, албатта, — деди Т. Қаюмова,— Партия ишида тажрибам бўлишига қарамай, биринчи бор ана шундай йирик анжуманга делегатликка номзод этиб тавсия этилишим. 1985 йилга қадар 4 йил цехда комсорглик қилдим. Кейинчалик мени цех партия бюроси аъзоси этиб сайладилар. Мана икки йилдирки, цехимиз бошланғич партия ташкилотига етакчилик қилиб келмоқдаман. Жамоат ишларидаги фаолиятим даврида кўплаб кишилар билан танишдим. Улар билан яқин мулоқотда бўлдим. Билмаганларимни ўргандим. Ўз фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашдим.

— Ҳозирги кунда айрим коммунистлар, шу жумладан КПСС аъзоси бўлган ишчилар партия билетларини топширишмоқда. Сиз бу ҳақда нима дея оласиз?

— Дарҳақиқат бугунги кунда кўпгина кишилар осонликча ўз партия билетларини топширишмоқда, ҳатто ёқиб ташлаш ҳоллари ҳам учрамоқда,— дейди Т. Қаюмова. — Ана шу кишилар авваллари ҳам фаоллиги, принципиаллиги билан ажралиб турмас эди. Партия сафига бу кимсалар юқори лавозимларга кўтарилиш, юмшоқ ўриндиқларни эгаллаш учун кириб олишган эди. Партия улар ҳақида ҳали ўз сўзини айтади. КПСС доимо жамоатчиликни ўз кетидан эргаштирувчи куч бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, мен бунга аминман.

Қайта қуриш Тожи Қаюмова етакчилик қилаётган цех бошланғич партия ташкилотида ҳам сезилмоқда. Бригадир билан бир сафда меҳнат қилаётган кўплаб ишчилар ишлаб чиқариш муаммолари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Бу билан улар меҳнат унумдорлиги ўсишига муносиб ҳисса қўшишяпти. Аммо эришилган натижалар билан чегараланиб бўлмайди. Бошланғич партия ташкилотлари олдида кўплаб муаммолар турибди. Хусусан уларга мустақиллик бериш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш лозим. Бунинг учун бир ёқадан бош чиқариб курашиш лозим. Тожи Қаюмова жумҳуриятимиз бўлажак съездида сўзга чиқса ана шулар ҳақида, инсон омили ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Бугун кўпгина жойларда партия ташкилотлари котиблари икки—уч номзоддан сайланмоқда,— дея сўзини давом эттирди Т. Қаюмова. — Бу ишга тажрибали, ташаббускор, меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган кишилар сайланмоқда. Аммо уларнинг аксариятига партиявий-ташкилий ишларда тажриба етишмайди. Бу борада жилла бўлмаганда вилоятимизда қисқа муддатли курслар ташкил этилса, анча қўл келарди. Коммунистларимиз съездида ана шу муаммолар ҳақида эшитишни истардим.

Т. Қаюмова аёллар муаммоси, уларга қулайликлар яратиш, имтиёзлар бериш лозимлигини ҳам айтмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Тожининг ўзи 3 фарзанднинг онаси. Шу боис у фарзанд тарбияси муаммоларидан хабардордир.

Тожи Сатторовна жумҳуриятимиз партия съездида қабул қилинадиган қарорлар бошланғич партия ташкилотлари ишини ҳам янада жонлантириш, барча коммунистлар ҳаётида туб бурилиш ясашига ишонч билан қарамоқда.

**А. ҲАКИМОВ.**

